

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ**

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ

22 апрель 2016 йил

Тошкент - 2016

15.	ИМФ талабаси Умаров Э.Г., илмий раҳбар кат.ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Энергетика корхоналарида ахборот технологияларини қўллашнинг жиҳатлари.....	44
16.	ЭАФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат.ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияни жалб этишда солиқнинг роли.....	48
17.	Студентка ФЭМ Абдурашитова Я., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Перспективы формирования энергоэффективной структуры промышленного производства.....	52
18.	Студент ФЭМ Аскарлов А.Р., научный руководитель ст. пред. Муратова О.М., ТГТУ. Эффективная организация рекламной деятельности.....	55
19.	ИМФ талабаси Каххаров Ж.Р., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Интеллектуал маркетинг - рақобатбардошликни шакллантириш омили сифатида.....	58
20.	ИМФ талабаси Умаров Э.Г., илмий раҳбар кат.ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Олтин ва кумуш – нодир металл сифатида аналитик таҳлили.....	65
21.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Разработка предложений по совершенствованию маркетинговой деятельности на основе внедрения информационных технологий.....	69
22.	Студентка ФТУТК Махмуджоновна М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Автомобильная промышленность как движущая сила мировой экономики и её значение для роста национальной экономики.....	71
23.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Оптимизация управления логистики в промышленном предприятии.....	74
24.	ИМФ талабаси Ҳақназаров Д., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Кончилик корхоналарида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг иқтисодий хусусиятлари.....	76
25.	ИМФ талабаси Мамажонов О.Р., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТошДТУ Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар аҳамияти.....	78
26.	ИМФ талабаси Умаров Э.Г., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари.....	81
27.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Ш., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида чет эл инвестицияларини жалб этиш йўналишлари.....	82
28.	ИМФ талабаси Абдуллаева Д.Т., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий нозорлигининг асосий омили.....	84
29.	ИМФ талабаси Самандаров Т.А., илмий раҳбар кат. ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Брендингга методологик ёндашув – корхонанинг рақобатли устулигини ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида.....	86

30.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарида нарх сиёсатини такомиллаштириш.....	88
31.	Студентка ФТУТК Махмудова Д.Р., ТАДИ научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Обоснование методов совершенствования мотивации и стимулирования труда работников маркетинговой службы автотранспортного предприятия.....	90
32.	ИМФ талабаси А. Рахматов., илмий раҳбар доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida real sektor korxonalarida marketing faoliyatini tashkil etish.....	95
33.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Прямые иностранные инвестиции в промышленность Узбекистана.....	97
34.	ИМФ талабаси Умаров Э.Г., илмий раҳбар кат. ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Саноат корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш.....	99
35.	ИМФ талабаси Азизов С.С., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларнинг роли.....	100
36.	ИМФ талабаси Қанонов Ж.Ж. ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. С.А. Ибрагимова, ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатдошликни ошириш йўллари.....	104
37.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасида кончилик корхоналари маҳсулотларига нархларини шакллантиришни такомиллаштириш.....	107
38.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Х., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	109
39.	Студент ФЭМ Абдуразақов Ж., ТГТУ научный руководитель доц. к.э.н. Якубова Д.М., ТГТУ. Значение иностранных инвестиций в структурных преобразованиях экономики.....	110
40.	Студентка ФЭМ Ташева М., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Роль инвестиций в развитии энергетической промышленности Республики Узбекистан.....	113
41.	ИМФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат. ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Юридик шахслар мол-мулк солиғи: умумий тушунча ва иқтисодий мазмуни.....	116
42.	ИМФ талабаси Жуманазаров М.И., ТДТУ илмий раҳбар катта ўқувчи Шагаипова Г.З., ТДТУ. Инновацион маркетингда интернет технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	127
43.	ИМФ талабаси Раҳмонкулова Г. М., ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	130

корхоналарининг бозордаги барқарор ҳолатининг зарурий шarti ва рақобатбардошлигининг омили бўлади.

Саноат корхоналари тадбиркорлик фаолиятининг фаоллиги ва уни ривожлантиришнинг зарурлиги давлат томонидан молиялаштириш ҳажмининг босқичма-босқич камайрилиши, ҳамда саноат корхоналарининг бозор муносабатларининг мустақил, фаол ва тўлақонли субъекти эканлигини англаш билан белгиланади.

Саноат корхоналари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш энг аввало, қўшимча таълим дастурларини ривожлантириш билан боғлиқ. Касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича юқори қийматли ва машҳур дастурлар (айниқса менежмент, молия, банк иши ва маркетинг соҳаларида), ихтисослашган тренинг ва семинарлар, маслаҳат лойиҳалари, маҳорат дарслари ва бошқа хизматлар иқтисодиётнинг бизнес-секторидан катта миқдордаги қўшимча пул маблағларини жалб қилишга имкон беради, ҳамда саноат корхоналарини қудратли илмий, маслаҳат ва ишбилармонлик маркази сифатида майдонга чиқишига олиб келади. Фикримизча, бирданига дунёга, ривожланган давлатлар ТХБга ўз хизматларимиз билан кириб бориш қийин бўлса-да, Марказий Осиё ёки МДХ ҳудудига ўз таълим хизматларимиз билан чиқишимиз, шу минтақаларда юртимиздаги етакчи миллий саноат корхоналари филиалларини очишимиз истиқболдаги устувор вазифаларимиздан саналади.

**ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ
Илмий раҳбар кат.ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ**

ОЛТИН ВА КУМУШ – НОДИР МЕТАЛЛ СИФАТИДА АНАЛИТИК ТАҲЛИЛИ

Маълумотларга қараганда, бугунгача дунёда икки юз минг тонна олтин қазиб олинган экан.³ Гарчи бугун олтинга олдингидек муҳтожлик сезилмаса-да, у дунёнинг энг қиммат буюмлари рўйхатидан чиқарилмаган. Бугунги кунда олтиндан нафақат тақинчоқлар яратишда, балки косметика воситалари яратишда ва ҳатто айрим таомларни тайёрлашда фойдаланишади.

Олтин бу ҳаддан зиёд болғаланувчан ва чўзилувчан металлдир. Ўттиз грамм олигача олтиндан соч толасидан ўн баробар ингичкароқ узунлиги 85 километрга тенг ип ясаш мумкин. Ҳаммага маълумки, исталган металлни қизартирганда у эриб кетади. Лекин олтинда ноёб хусусият мавжуд, агар уни сониясига бир неча минг даража иссиқликда қиздирилса, олтин ақл бовар қилмайдиган даражада қаттиқ ва мустаҳкам бўлиб қолади.

³<http://biznestrener.uz/bosh-sahifa/413-oltin-nega-1179imnat-turishu-yu-oltin-ni-1179oblar-va-oltin-suvi-hal1179ida-1179is1179acha-faktlar.html>

Фақат бу узокка чўзилмайди, чунки олтин совиганидан сўнг яна олдинги ҳолатига қайтади.

Асл металллар – бошқа металллардан фарқли ўлароқ, коррозия ёки оксидланишга дучор бўлмайдиган металллардир. Уларнинг нодирлиги туфайли, барчаси қимматбаҳо металл, деб ҳам ҳисобланади. Асосий асл металллар – олтин, кумуш, шунингдек, платина ва платина гуруҳидаги бошқа 5 хил металл – рутений, родий, палладий, осмий, иридийлар қиради. Баъзилар асл металлларга, табиатда учрамайдиган (шунингдек, у кичик даврли ярим емирилишли радиактив металл), технеций металлини ҳам киритадилар.

Ҳаммага маълумки, олтиндан яратилган ҳар қандай буюмда албатта, олтиннинг қотишмадаги фоизини кўрсатувчи тамға бўлади. Бу борада Ўзбекистонда метрик намуна тизими қабул қилинган. Бу тизим барча МДХ давлатлари ва Вена конвенцияси таркибидаги давлатлар ҳамда Австрия ҳамда Германияда қўлланилади.

Метрик тизимдаги биринчи иккита рақам қотишманинг 1000 қисмида қимматбаҳо металлнинг фоизини билдиради. Масалан, 750 пробали буюмда 75 фоиз соф олтин бўлади. Пробанинг софлигидан келиб чиқиб, қолган қисми қўшимча лигатурадан (25 дан 70 фоизгача) иборат бўлади. Тамға турли мамлакатларда турлича қўрилишда бўлади. Масалан, Беларуссияда зубр тасвири, Россияда соябонли калпоқ қийган аёл сурати акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир фабрика ёки фирма ўз белги намунасига эга.

Олтин қотишмаси (75%), кумушники (20%) ва инди (5%) яшил олтин деб номланиб, асосан заргарлик буюмлари ясашда ишлатилади. Олтин ва платина қотишмаси (47:1) оқ рангда бўлади. 78% олтин ва 22% алюминий қотишмаси ёқутсимон қизил рангда. 75% олтин, 20% палладий ва 5% кумуш қотишмаси ҳам оқ рангда бўлиб «оқ олтин» деб номланади.

Олтинга ўч хонимларга японларнинг навбатдаги ихтироси ёқиши аниқ. Гап шундаки, япон олимлари 2005 йилда олиб борган изланишлари натижасида олтиндан косметологик никоб ясаш мумкинлигини исботлаб беришганди. Энди эса улар ушбу никобни яратишга муваффақ бўлишди. Бугунги кунда ушбу никобни тайёрлаш учун косметологлар 24 қаратли соф олтиндан фойдаланишади. Энг қизиғи, бу никобни нафақат юзга, балки бутун терига суртиш мумкин. Унинг нархи эса 250 доллардан то 2000 долларгача. Дарвоқе, олтин никобдан нафақат япон аёллари, балки АҚШ, Испания ва Россия аёллари ҳам фойдаланишлари мумкин. Никоб бугун айнақса, Голливуд юлдузлари орасида жуда оммалашиб кетган.

Илгари платина «нотўғри кумуш» деб ҳисобланган, дарё ҳамда денгизларга ташлаб юборилган. Испания заргарлари, платина олтин билан яхши қотирилишини аниқлаганларидан кейин, у заргарликда хомашё сифатида фойдаланила бошланди.

- шуниси қизиқки, соф олтинга нисбатан, соф кумуш, анча камроқ учрайди, аммо Ердаги олтиннинг умумий миқдори, кумушнинг миқдоридан анча кам;
- 1912 йилда топширилган Олимпия медаллари соф олтиндан қилинган эди. Замонавий спорт дунёсида медаллар ушбу металлнинг атиги 6 грами билан қопланади;
- Қадимги Мисрда олтин худоларнинг қисмлари деб ҳисобланган, шунинг учун фиръавнлардан ташқари, уларга ҳеч қим эга бўла олмасди;
- 1933 йилда Франк Рузвельт, АҚШ фуқароларига олтинни сақлаш ҳуқуқидан маҳрум қилувчи фармонни имзолади. Ушбу фармонни бузганлар 10 минг доллар жарима ёки 10 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилган;
- 2009 йилда Токиода жойлашган «Tanaka Kikinzoku Jewelry» компанияси Уолт Диснейнинг «Оппоқой ва етти миттивой» мультфильм қахрамонларини олтиндан ясаган. Ушбу ҳайкалчаларнинг умумий нархи ўша пайтда 300 минг АҚШ долларига тенг эди.

Ўзбекистоннинг олтин захираси икки йиллик импорт қийматига тенг⁴. Сўнгги 10 йил ичида Ўзбекистон ўзининг олтин захиралари ҳажмини изчил ошириб, ялпи ташқи қарзи миқдорини камайтириш чораларини кўрди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон олтин захиралари ҳажми 24 ойлик импорт қийматига тенг. Ташқи қарз ҳажми эса ялпи ички маҳсулотнинг 16 фоизини ташкил қилмоқда. Ундан 8 фоизи давлат қарзини ташкил қилиб, унга хизмат кўрсатиш учун бюджет харажатларининг 1 фоиздан кам қисми ишлатилмоқда. “Спутник” нашрининг ёзишича, бундай кўрсаткичлар республиканинг эҳтиёткорона ва чуқур ўйланган ташқи қарз олиш сиёсати эвазига эришилган. Ушбу сиёсат қуйидаги тамойиллардан ташкил топган:

Биринчи тамойил. Ўзбекистон истеъмол кредитлари олмайди.

Иккинчи тамойил. Ўзбекистон ҳукумати қарзни тўлиқ ва ўз вақтида қайтариб беришга ишончи бўлмаса — қарз олмайди.

Учинчи тамойил. Ўзбекистон ҳукумати кредитлар фақат асосий, саноат ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ва иқтисодийдаги стратегик масалаларни ҳал қилиш учун сармоя сифатида жалб қилинади.

Ўзбекистон сиёсатининг яна бир моҳияти шундаки, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидан ташқари, давлат томонидан жалб қилинган кредитларнинг барчаси ўзини қоплаш учун керак бўладиган пул маблағларини ўзи яратади.

Ундан ташқари, кўп йиллар давомида Ўзбекистон бюджети ижроси уч тарафлама профицит билан бажарилмоқда. Авваламбор, давлат

⁴<http://vatandosh.uz/tags/%D0%BE%D0%BB%D1%82%D0%B8%D0%BD-%D0%B7%D0%B0%D1%85%D0%B8%D1%80%D0%B0%D1%81%D0%B8/>

бюджети профицит билан ижро этиляпти, жорий ҳисоб ва тўлов балансида профицитга эришилди. Эътиборли жиҳати, тўлов балансидаги профицит Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёти фондига йўналтирилади.

2014 йилдан бери республиканинг ички қарзи нолга тенг, капитал ва активлари ҳар йили 30 фоизга ўсмоқда. Республика банклари кредит портфелида молия ҳажми 70 фоизни ташкил қилмоқда.

Хитой олтин захиралари ҳажми бўйича Россиядан ўзиб кетди⁵. Хитой ҳукумати охириги 6 йил ичида биринчи марта ўз олтин захиралари бўйича маълумотларни чоп этди. Бу маълумотларга кўра, Хитойнинг олтин захиралари ҳақидаги маълумот охириги марта чоп этилган пайтдан бошлаб мамлакатнинг олтин захиралари ҳажми 57 фоизга ошган. 2015 йил июнь ойи ақунларига кўра, Хитой Марказий банки 53,31 млн унция олтинга (1658 тонна) эга бўлган. Олтин захиралари ҳақида маълумотлар охириги марта – 2009 йил май ойида чоп этилганда Хитой 33, 89 млн унция олтинга (1054 тонна) эга бўлган. Шу тариқа, Хитой бу борада Россиядан ўзиб, олтин захиралари бўйича дунёда 5-ўринни эгаллади.

2015 йилнинг 1 июнига кўра, Россиянинг олтин захиралари ҳажми 40,2 млн унцияни (1250 тонна) ташкил қилган. Россия олтин захиралари бўйича Хитойдан ўзиб кетди⁶. Россия олтин захираси бўйича Хитойни ортда қолдириб, дунё рейтингда 1094,7 тонна олтин (олтин-валюта резерви умумий ҳажмининг 10 фоизи) билан олтинчи ўринни эгаллади. Бу ҳақда “World Gold Council” (Бутунжаҳон олтин кенгаши) маълумоти таяниб, «Вести Экономика» хабар берди. Россия Марказий банки жорий йилнинг иккинчи чорагида яна 54 тонна олтин харид қилган. Бу 2009 йилдан бери қайд этилган энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Айни дамда энг кўп олтин АҚШда (8133,5 тонна) бўлиб, мамлакат олтин-валюта захираларининг 72 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, АҚШ Форт-Нокс ҳарбий базасида ўз олтинлари билан бирга ҳажми бўйича бутун дунёда иккинчи ўринда турган Германия Марказий банкига тегишли олтин (3384,2 тонна захиранинг 68 фоизи)ни ҳам сақламоқда. Маълумот учун, Германия ўзига қарашли олтиннинг каттагина қисмини бошқа мамлакатларда сақлашни лозим топади. Ҳозирда Германиянинг 33 фоизга яқин захираси АҚШда, 25 фоизга яқини эса Лондон ва Парижда сақланмоқда.

Халқаро валюта фонди (2814 тонна) бутун дунёда олтин захиралари бўйича учинчи погонани, Италия (2451,8 тонна захираларнинг 67 фоизи), тўртинчи погонани, Франция (2435,4 тонна ёки захираларнинг 65 фоизи) бешинчи погонани эгаллаган.

2014 йил иккинчи кварталда заргарлик маҳсулотларига бўлган талабнинг камайиши натижасида бутун жаҳонда олтинга бўлган талаб 16 фоизга камайган. “World Gold Council” 2013 йилда олтин нархининг

⁵ <http://zamin.uz/economy/2259-hitoy-oltin-zahiralari-azhmi-byicha-rossiyadan-zib-ketdi.html>

⁶ <https://daryo.uz/ru/2014/08/16>

пасайиб кетганлигини қайд этиб, 2014 йилда савдонинг барқарорлашишини кутаётганини маълум қилди.

Қирғизистоннинг олтин-валюта захираси 1.92 млрд долларга кўпайди. Октябрь ойининг бошидан буён Қирғизистоннинг олтин-валюта захираси 1.92 млрд долларга кўпайди. Миллий банк раиси ўринбосари Нурбек Женгишнинг таъкидлашича, бу маблағ импортни 4 ой мобайнида қўллаб-қувватлаб туришга етарлидир.

Банк матбуот хизмати тарқатган хабарга кўра, йил бошидан буён регулятор хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича 19 интервенция ўтказди. Улардан 14 таси 225.1 млн. долларлик сотиш операциялари бўлса, қолган 5 таси 44 млн. долларлик сотиб олиш операциялари эди.

2010 йил бошидан бери олтиннинг нархи 30 фоиз ошди. Жорий йилнинг 18 ноябрида бўлиб ўтган савдо натижаларига кўра доллар курси камайиши асносида олтиннинг қиймати сезиларли ошди. 18 ноябрда Тошкент вақти билан соат 14-00да Нью-Йоркнинг «Comex» биржасида олтиннинг декабр ойидаги фючерси уч хисса унция қиймати бир кун олдинги 1336,9 долларга нисбатан 1358,3 долларга кўрсатилган ҳолда, 1,6 фонзга ошган. Бундан олдин олтин нархи 9 ноябрда ўрнатилган уч хисса унция учун рекорд қиймат 1424,3 доллардан пастга тушган эди. Олтин нархи ошишининг асосий сабаби, доллар курсининг жаҳон валюталарига нисбатан пасайишидир. Масалан, банклараро валюта бозорига евро/доллар курси 2,24 фонзга, яъни 1,34 пунктдан 1,37 пунктга кўтарилган.

Олтиндан кейин қимматбаҳо ҳисобланадиган кумуш ҳам қадим замонлардаёқ қазиб олинган. Европадаги қиролларнинг бойлиги бир пайтлар уларда бор бўлган кумушнинг миқдорига қараб белгиланган. Испания кумуш конларидаги маъдан тугаган пайтда, Американинг кашф этилганлигидан хабар топган қиролнинг қувончи чексиз бўлган, зеро, бу кашфиёт унга Мексика ва Перудаги кумуш рудасига бой конларни қўлга киритиш имкониятини берган. Испан қироллари Перудаги «Potosi» кумуш конидан 250 йил давомида йилига тўрт миллион долларлик кумуш қазиб олишган.

Кумуш табиатда кўп учрайдиган металллардан бири ҳисобланади. Баъзан у ёмби ҳолатда ҳам топилади. Масалан, Норвегияда 300 килограммдан зиёд ҳолдаги кумуш ёмбиси топилганлиги маълум. Лекин одатда у руда ҳолида учрайди. Бундай рудада у олтингугурт билан қоришиб, кумуш сульфидини ҳосил қилади. Шунингдек, у мис сульфиди, кўрғошин сульфиди, маргимуш сульфиди ва бошқа сульфидлар таркибини ҳам ташкил этади. АҚШда кумуш кўрғошин билан бирга қазиб олинади. Кумуш бошқа металллар билан қоришган ҳолда топилса, уни кераксиз моддалардан тозалашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Ҳозирги пайтда жаҳонда йилига 850 500 килограмм кумуш соф ҳолда қазиб олинади.⁸ Бу

⁷ <http://zamin.uz/economy>

⁸ http://wiki.arxiv.uz/Kumush_nima%3F

соҳада Мексика, АҚШ ва Канада олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Кумуш бу — юмшоқ металл бўлиб, у аксарият бошқа металллар билан қўшилган ҳолатда ҳам ишлатилади. Масалан, кумуш тангаларнинг 90 фоизи кумуш, 10 фоизи мисдан иборат. Турли безак ва заргарлик буюмларида, шунингдек, кумуш идиш-товоклар таркибида 92,5 фоиз кумуш, 7,5 фоиз мис бўлади. "Стерлинг" кумуш атамасининг келиб чиқиши Шимолий Германияда яшовчи Истерилинглар сулоласига дахлдор. Бу оила аъзолари ўзларининг ҳалолликлари билан машҳур бўлганликлари туфайли, 1215 йилда Англия қироли Жон металл танга тайёрлашни уларга ишониб топширади. Мазкур топшириқ шу даражада аъло бажарилганлигидан бизнинг давримизгача энг юксак ишонч мезони бўлиб келмоқда. Стерлинг кумуш тангачасига "Стерлинг" сўзи ёки қайси давлатда зарб қилинганлигига қараб, муайян белги, махсус тамға босилади. Соф кумуш тоза ҳавода қораймайди. Агар ҳавода олтингугурт кўп бўлса, масалан, ҳавода зарарли моддалар бўлса ёки нефть конларига яқин жойлар бўлсагина кумуш қорайиши мумкин. Ишлов беришнинг осонлиги бўйича кумуш олтиндан кейин турадиган металлдир. 30 грамм кумушдан 50 километрга етадиган сим тайёрлаш мумкин. Шунингдек, кумуш — иссиқликни ва электр токини энг яхши ўтказувчи металл ҳисобланади.

Кумуш ва олтин - бу икки нодир металл бир-биридан қанча қийматда фарқ қилар экан...? Айтиб ўтилганидек, қадим қадим замонларданок бу икки нодир металлларнинг инсоният ҳаёт фаолиятидаги ўрни катта бўлган. Олтин ва кумуш кўплаб мамлакатларда пул биригилгининг асоси ва давлат хазинасининг таянчи ҳисобланган. Кундалик турмушдаги ва давлатлараро олди - сотдилар барчаси олтин ёки кумуш ҳисоби билан олиб борилган. Бу металлларнинг ўзига хос кимёвий хусусиятлари ҳамма замонда ҳам уларнинг кадр қимматининг юқори бўлишига асосий сабабдир. Жамиятда пул ва иқтисодий муносабатларнинг асоси сифатида олтин ва кумушга таянган «биометаллик» тизим бирмунча ноқулай бўлган бўлса ҳам узоқ вақт кишилиқ жамиятининг энг асосий иқтисодий кўрсаткичи сифатида сақланиб келган. Чунки уларнинг нисбати баъзан ялли ишлаб чиқариш миқёсига тўғри келмас эди. Олтин ва кумушнинг нарх навоси кўп нарсаларга ҳал қилувчи таъсир этадиган омил бўлиб, озмунча урушларга ҳам сабаб бўлган.

Олтин ва кумушнинг қиймат муносабатлари доимий ва анча катта чегараларда ўзгариб турган. Фақат доимий аниқ бўлган факт шуки, олтин доимо кумушдан юқори баҳоланган ва олтин қиймати катта миқёсда ўзгариб турган, унинг энг катта ўзгаришлари иқтисодий ривожланишнинг энг авж олган даврларига тўғри келади.

Яқин ўтмишда, айнан эса 1970–1995 йилларда бу нисбатнинг энг юқори чўккисини кузатиш мумкин бўлди. Ушбу йилларда олтин ва кумушнинг қийматлари нисбати 70:1 дан ҳам ошган вақтлар бўлган. 1999

Йилги биржа савдоларида эса бу кўрсаткич ўртача 49:1 атрофида баҳоланган.

Албатта, замонамизда нодир металлларнинг нарх навоси ва улар ўртасидаги муносабатларнинг аҳамияти, халқаро биржалардаги валюта олди-сотдиларига ўз ўрнини бериб қўйган бўлсада, уларнинг иктисодиётдаги тутган ўрни ҳеч ҳам камайган эмас! Аксинча, валюта муносабатларидан кўра, олтин ва кумуш каби нодир металллар захиралари давлат иктисодий кудратининг энг асосий кўрсаткичларидан бирига айланди. Чунки валюта муносабатларидагидек баъзи қалтис ва таваккалчилик факторлари нодир металллар қийматларида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги ҳам тарихий, ҳам замонавий ҳақиқатдир. Ҳозирда кунда олтин ва кумушдан иборат муҳим иктисодий – таянч қийматлар қаторига долзарбликда улардан қолишмайдиган платина ва палладийни ҳам қўшиб ифодалаш аллақачон одатий ҳолатга айланди. Биржа савдоларидаги муносабатларда асосан Троя унцияси миқдорларидаги нодир металллар учун АҚШ долларларидаги нархлар белгиланади. Масалан, 1 август 2013 йил савдоларида бир Троя унцияси миқдоридagi олтин олди-сотдиси учун \$1313.4/\$1310.7, шунча кумуш миқдори учун эса \$20.42/\$20.07 нарх белгиланди. Оддий арифметикадан фойдаланиб, улар ўртасидаги муносабат 64:1 эканини ҳисоблаб топиш қийин эмас. Кумушнинг нархи 30 йиллик максимумгача ошди. Бутун дунёда кумуш тангалар савдоси рекорд суръатларда ошиб бормоқда. Инвесторлар ўзларининг доллар бўйича таваккалчиликларини камайтиришга ҳаракат қилаётган бир пайтда, турли мамлакатлардаги энг йирик зарбхоналар кумуш тангаларга бўлган талаб ортаётганини қайд қилмоқдалар. Американинг қимматли металллардан ясалган тангалар билан савдо қилувчи ва АҚШ зарбхонасидан кумуш тангаларни тўғридан-тўғри сотиб олиш ваколатига эга бўлган “FideliTrade” компаниясида иш жараёни авжига чиққан.

Тангалар билан боғлиқ шов-шув Америка Федерал заҳира хизмати (ФЗХ) \$600 млрд. миқдорида давлат облигацияларини сотиб олишга қарор қилганидан сўнг, яъни бозорларга қўшимча ликвидлик киритилгандан кейин инвесторлар аънавий пул активларига ишонмай қўйганлари сабабли кучайиб кетди. Канаданинг Қироллик зарбхонасида октябр ойида заранг дарахти барги тасвирланган Мапле Леаф кумуш тангаларини сотиш ҳажми рекорд даражага етганини баён этдилар. Йил якунларига кўра, савдо айланмаси 2009 йилга нисбатан камида 50 фоизга ошиши кутилмоқда, бунинг ўзи рекорд кўрсаткичдир. Ноябрь ойида АҚШ зарбхонасида ҳам бир ойлик тарихий максимум забт этилиши кутилмоқда. Ойнинг биринчи ҳафтасининг ўзида 1,8 млн. дона танга сотилди, бунинг ўзи 1986 йилнинг декабр ойидаги тарихий рекорд кўрсаткичдан икки баробар ортик. Австрияда, ошиб бораётган талаб натижаси ўлароқ, катта миқдорда қадимий кумуш тангалари зарбланмоқда. Асосий харидорлар –

хусусий инвесторлар, инвестицион жамғармалар ҳам ушбу қимматбаҳо металлга инвестицияларини ошириб бормоқдалар. Бундан ташқари, олтиндан фарқли ўлароқ, кумуш нархи динамикасини ушбу металлга саноат микёсидаги талаб ҳам ушлаб турибди. Биржа жамғармалари ҳам кумушга ўз инвестицияларини рекорд даражагача оширдилар, натижада ноябр ойида кумуш нархи сўнгги 30 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич – бир унция учун 29,33 долларга кўтарилди. Бирок, ҳозирги кунда олтин нархи 1980 йилда ўрнатилган ўзининг номинал рекорд қийматидан ортик бўлсада, кумуш худди шу даврда қайд этилган бир унция учун 50 долларлик рекорд кўрсаткичга етгани йўқ. Дилерларнинг айтишича, инвесторлар кумушни “камбағаллар тилласи” деб ном олган металл нархи ортишини кўзлаган ҳолда сотиб олмақдалар.⁹

2010 йил бошидан олтин нархи 30 фоизга ошган. Олтин нархи ўн йил мобайнида ўсишда давом этиб келмоқда, бу ҳар қалай 1920 йилдан бери энг узоқ муддат давом этган металл нархининг ўсиш даври бўлиши мумкин. Сўнгги йилларда олтин нархи жаҳон молия тизимидаги беқарорликнинг ортиши, иктисодий инқироз оқибатида ошиб бормоқда. Жорий йилнинг бошидан эса Европадаги “қарз” инқирози бу металл нархининг ошишига асосий туртки бўлди. Иктисодий инқироз даврида инвесторлар беқарор валютага ҳамда турли компанияларнинг қиймати тебраниб турадиган акцияларига нисбатан олтинни ишончлироқ билиб, унга алоҳида эътибор бера бошладилар.¹⁰

Студент ФЭМ Зойиров О.М., ТГТУ

Научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МАРКЕТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ ВНЕДРЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Маркетинг как экономическая категория не однороден. В его структуре и сфере деятельности можно выделить различные подсистемы, такие как маркетинг средств производства, маркетинг потребительских товаров, маркетинг услуг, маркетинг организаций, мест и даже - идей. Хотя они имеют свою специфику, есть общие принципы, понятия, функции, на которых и остановимся.

Прежде всего, маркетинг, как и любая другая сфера деятельности предприятия - целенаправлен. Целенаправленное поведение производителя выражается прежде всего в функциях управления, охватывающих анализ проблем, а также планирование, организацию, проведение и контроль мероприятий, направленных на решение этих проблем. Хорошее управление - процесс вечного жонглирования, в котором затраты, цена и

⁹ http://markets.uzreport.uz/news_u_82260.html

¹⁰ http://markets.uzreport.uz/news_u_82201.html